ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2004-yil, 16-aprel, 16(605)-son Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

☑ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2004 йил, 15 апрел куни амалий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.***

☑ "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Уст-Юрт ҳудудидаги Шахпахти конидан қазиб олинган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасидаги ўтган йили Самарқанд шаҳрида эришилган келишувларнинг амалий ижросидир.

☑ **Республика ёшларининг "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан ташкил этилган ушбу тадбирда давлат, шунингдек, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этишди.**

☑ Пойтахтимизда "Инсон ҳуқуқлари бўйича адвокатлар" юридик фирмаси фаолият бошлади.

Америка юристлар уюшмасининг "Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббуси" (ABA/CEELI) лойиҳаси асосида ҳамда АҚШ давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бюроси молиявий кўмагида ташкил этилган мазкур адвокатлик фирмаси мамлакатимиз аҳолисига бепул юридик хизмат кўрсатади.

☑ ***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети талабалари компютер саводхонлигини оширишда яна бир қулайликка эга бўлдилар. Эндиликда улар Интернет тармоғининг 33-янги сайтидан ҳам фойдаланишади. Бу сайт ўзбек тилидаги дастлабки ахборот сайтидир.***

# УНИВЕРСИТЕТДАГИ АНЖУМАНДА

### иқтидорли ёшларимизнинг илмий изланишлари

***Ҳозирги кунда илмий тадқиқотларни жаҳон талабларига мос равишда ривожлантириш, фан ва техника соҳасида янги ютуқларга эришиш, уни амалиётда қўллаш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация ва ҳисоблаш технологияларининг ўрни ўта муҳимдир. Булар муаммоларни илмий ечишда, мазкур технологиялар асосида ҳар хил мураккаб технологик жараёнларни таҳлил қилиш, уларни бошқаришга боғлиқ бўлган маълумотларни йиғиш, бошқа кўринишга ўтказиш ва ифода этишда асосий омил ҳисобланади.***

**Иқтидорли** талабаларнинг университет илмий ишларида фаол иштирокини таъминлаш ҳамда ахборот технологияларини таълимга жорий этиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларда олий ўқув юртлари иштирокини фаоллаштириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида аспирант, магистр ва бакалаврларнинг "Ахборот-коммуникация технологиялари" мавзусида республика илмий-техник конференцияси ўтказилди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба ва аспирантлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлим бошлиқлари, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ва бошқа корхона мутахассислари иштирок этишди.



(Давоми 2-бетда.)

# ИНШО ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

***Бутунжаҳон почта иттифоқи ҳамда ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан жорий йилнинг январ-март ойларида республикамиз ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Қашшоқлик билан курашишда ёшлар қандай кўмак бериши мумкинлиги ҳақида Сизга ёзаман" мавзусида хат кўринишдаги иншо танлови ўтказилди. Уни ўтказиш учун республика миқёсида ва жойларда почта алоқаси корхоналари ҳамда халқ таълими бошқармалари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Танловни ўтказишдан мақсад — ёшларда иншо ёзиш имкониятларини, ўз фикрини аниқ билдириш ҳамда Бутунжаҳон почта иттифоқининг асосий вазифаларидан бири бўлган мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашни ривожлантириш ҳисобланади.***

**Яқинда** "2004 йилда ёшлар учун 33-халқаро хат кўринишидаги (эпистоляр) иншо танловини ўтказиш" бўйича Республика ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси М.Маҳмудов олиб борди.

Мазкур танлов Бутунжаҳон почта иттифоқининг 2003 йил, 10 июлдаги "2004 йилда ёшлар учун 33-халқаро хат кўринишидаги (эпистоляр) иншо танловини ўтказиш ҳақида"ги хатига, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигидаги қўшма буйруқ ва у билан тасдиқланган иншо танловини ташкил этиш, ўтказиш шартлари ва тартибига асосан жойларда босқичма-босқич амалга оширилди. Танловга 4300дан ортиқ иншолар келиб тушди. Республика танловини ўтказиш ишчи гуруҳига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 54та иншолар тақдим этилди.

Танловнинг якуний босқичида Тошкент шаҳри, Юнусобод туманининг 265-ўрта мактаби 9-синф ўқувчиси Феруза Қурбонова биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар Жаҳон тиллари гимназиясининг 10-синф ўқувчиси Вероника Плугинага, учинчи ўрин эса Тошкент вилояти, Чиноз тумани 40-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси Камола Шерматовага насиб этди.

Ишчи гуруҳ йиғилишининг қарорига мувофиқ, "Ёшлар учун халқаро хат кўринишидаги иншо танловини ташкил этиш, ўтказиш шартлари ва тартиби"га асосан биринчи ўринни эгаллаган иншо Бутунжаҳон почта иттифоқининг Халқаро бюросига халқаро танловда қатнашиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Ғолибларни тақдирлаш маросими Бутунжаҳон почта иттифоқи ташкил этилган кунда (2004 йил, 9 октябр) бўлиб ўтади.

Бутунжаҳон почта иттифоқининг Халқаро бюроси томонидан "Ёшлар учун халқаро хат кўринишидаги (эпистоляр) иншо танлови" ўз мавзусига эга бўлган ҳолда ҳар йили ўтказилиши белгилаб олинди.

**Сарвар НОРМАТОВ,**
**"Ўзбекистон почтаси" ДАК бош мутахассиси**

## МОБИЛ АЛОҚА ВА ИНТЕРНЕТ

**"Telecom Inc"** Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Самарқандда ўз бўлимини очди. Бу ерда энг янги телекоммуникация ускуналари ўрнатилиб, улар технологик синовдан муваффақиятли ўтказилди.

Яқинда ташкил этилган қўшма корхона ўз фаолиятини Самарқанд вилоятида тажриба лойиҳасини амалга оширишдан бошлади. Корхона CDMA-450 стандартида "SKYTEL" савдо белгиси остида мобил алоқа хизматларини кўрсатишни режалаштирмоқда. Ушбу стандартнинг бошқа стандартлардан устунлиги шундаки, у Интернет тармоғига юқори тезликда уланиш имконини беради.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва АҚШнинг "NCI Projects International Inc" компанияси муассис бўлган "Telecom Inc" қўшма корхонаси республика ҳукумати томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари дастурига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бу лойиҳалар тўғридан-тўғри хориж инвестициялари ҳамда кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Дастурда Ўзбекистонда CDMA-450 стандартидаги мобил алоқани ривожлантириш лойиҳасида хорижлик ҳамкорнинг иштироки кўзда тутилган.

Узоқ ҳудудларни телефонлаштириш учун CDMA-450 стандарти томонидан таъминланадиган замонавий телекоммуникациялардан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. CDMA-450 стандарти ёрдамида давлатнинг иккита асосий вазифаси — республиканинг барча аҳоли пунктларини универсал хизматлар билан таъминлаш ва Интернет тармоғини мамлакатимизнинг барча ҳудудида ривожлантириш вазифалари ҳал этилади. Бундан кўзланган мақсад эса Ўзбекистон ҳудудини симсиз алоқа билан тўлиқ қамраб олишдир. 2004 йил охиригача 25 миллион доллардан ортиқ маблағ инвестиция қилиниши режалаштирилмоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

"Xabar"га обуна давом этмоқда!

TATU HAYOTIDAN

# УНИВЕРСИТЕТДАГИ АНЖУМАНДА

## иқтидорли ёшларимизнинг илмий изланишлари

**(Давоми. Аввали 1-бетда.)**

Маълумки, ТАТУ республикамиз миқёсида ҳисоблаш ва ахборот технологиялари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар муаммоларини ечишда етакчи мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университетда ахборот-коммуникация ва ҳисоблаш технологияларининг илмий-назарий асосларини яратиш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, конференциянинг мақсади ҳам ушбу тажрибани амалий масалаларга жорий қилиш ҳамда фан, телекоммуникация, иқтисод, саноат ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига татбиқ этиш, умумлаштириш ва кенг кўламда ривожлантиришдан иборатдир.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари, фан ва таълим тизимида замонавий ахборот технологияларидан, шунингдек, халқаро ахборот тизимларидан, жумладан, Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш Ўзбекистон инфратузилмаси ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, бу йўналишда ижобий натижаларга эришишда информатика, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги мавзусидаги тадқиқот ва ишланмалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда 160та маъруза турли секцияларда муҳокама қилинди. Айниқса, унинг ялпи мажлисида ўқилган маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори, магистр Дониёр Расулов ва Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндори, бакалавр Ғолиббек Жалиловлар кўтариб чиққан муаммолар ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб турди. Шунингдек, профессор Б.Ражабов, доцентлар Н.Гултўраев ва Б.Омоновлар раҳбарлигидаги шўъбаларда илмий мақолалар муҳокамаси ҳам юқори даражада ўтди ҳамда энг яхши маъруза ва маърузачиларни эсдалик совғалари билан тақдирлашга қарор қилинди.

Умуман олганда, республикамиз ёшлари орасида ахборот-коммуникация технологияларига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Компютер синфлари, Интернет-кафелар талаба-ўқувчилар билан гавжумлашиб бормоқда. Бунда энг муҳим вазифалардан бири – қобилиятли ва иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар билан алоҳида, яккама-якка тарзда ишлашни ташкил этишдир.

Университетнинг 50 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар доирасида ва профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш, университет мутахассисликларига тегишли соҳалардаги долзарб мавзуларда фаол иш олиб борувчи иқтидорли тадқиқотчилар, аспирантлар, магистр ва бакалаврларнинг илмий салоҳиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани ҳал қилишда бундай илмий анжуманларнинг ўрни беқиёсдир.

Конференция давомида университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва ташқи ташкилотлар етакчи ходимлари раҳбарлигида ташкил қилинган шўъбаларда иқтидорли талаба, магистр ва аспирантларнинг илмий изланишлари натижалари, муаммолари ва ютуқлари ҳақидаги маърузалар тингланиб, ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Соҳа мутахассислари ва профессор-ўқитувчилар бу йилги конференцияда талабалар чиқишларидаги ижобий ўзгаришларни алоҳида қайд этиб, уларнинг илмий-изланишга қизиқишлари ортганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу натижалар ўз навбатида университет раҳбарияти, илмий бўлим, факултетлар раҳбарияти ва "Иқтидорли талабалар ишини ташкил этиш ва мониторинги" бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Конференцияда маърузачилар янги ахборот технологиялари ва техникасидан фойдаланиб, ўз илмий ишлари натижаларини намойиш этдилар.

**Ўз мухбиримиз**

# БИЛИМДОН ТАЛАБАЛАР МИЛЛАТ ЗИЙНАТИ

***Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва улар билан мақсадли ишлашда фундаментал фанлар, хусусан, олий математика фанининг тутган ўрни ғоят муҳимдир.***

**Олий ўқув юртларида** таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни топиш ва аниқлашнинг муҳим омилларидан бири фан олимпиадаларидир. Шу мақсадда ҳар йили Тошкент ахборот технологиялари университетида техника олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Республика Олимпиадасини ўтказиш анъанага айланган. Олимпиада икки турдан иборат бўлиб, биринчиси олий ўқув юртининг ўзида, иккинчиси эса республика олийгоҳлари ўртасида ўтказилади.

Олимпиадада талабаларга олий математика фанидан таклиф этилган мисол ва масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган "Техника олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр тайёрлаш дастури" асосида тузилган бўлиб, улар талабалардан олий математика курси дастури доирасидаги билимлардан ташқари ижодкорлик, топқирлик ва чуқур мантиқий фикрлашни талаб қилади.

Яқинда ТАТУда математика фанидан навбатдаги Республика Олимпиадасининг 1-тури ўтказилди. Олимпиадага университетнинг "Олий математика" кафедраси мудири, Ўзбекистон ФА академиги Ф.Абуталиев раҳбарлик қилди. Олимпиаданинг якуний натижаларига кўра 1-босқич талабалари ўртасида А.Дусяров 1-ўринни, А.Пак 2-ўринни ҳамда А.Бобохонов, Т.Эшмуҳаммедов ва А.Иноғомовлар 3-ўринни эгалладилар. 2—4-босқич талабалари ўртасида эса Х.Нормуродов 1-ўринга, А.Хайрламанов 2-ўринга ва Е.Насонова 3-ўринга сазовор бўлишди. Ушбу талабалар Республика Олимпиадасининг 2-турида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Айни пайтда кафедрамиз етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан улар учун қўшимча машғулотлар ўтказилмоқда.

Ҳар йили олимпиадаларда қатнашиб юқори ўринларни эгаллаган талабалар университетимиз ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан муносиб тақдирланмоқда. Бу эса олимпиадаларга бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ошишига муносиб замин тайёрлайди.

**А.МАМАТОВ,**
**ТАТУ "Олий математика" кафедраси доценти**

# ТАТУда "МАЪНАВИЯТ КУНИ"

**Тошкент ахборот технологиялари университетида** навбатдаги "Маънавият куни" ўтказилди. Унда мураббийлар миллий қадриятларимиз, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида талабалар билан фикрлашдилар.

Жумладан, университет мажлислар залида бўлиб ўтган "Икки палатали парламентга сайловлар моҳияти" мавзусидаги суҳбатда Тошкент Давлат юридик институти "Камолот" ижтимоий ҳаракати етакчилари А.Анорбоев, А.Ҳайдаров, Б.Ғаниев, Ш.Жўраев ва С.Содиқовлар иштирок этишди.

Шу куни талабалар уйида "Огоҳ бўлайлик" мавзусидаги давра суҳбати ҳам ўтказилди. Тадбирни университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректори Н.Мўминов кириш сўзи билан очди. Шунингдек, сўзга чиққан Юнусобод тумани "Бодомзор" масжили имом хатиби Абдуқодир ҳожи Ҳайдаров йиғилганларни доимо огоҳ бўлишга чақириб, шундай деди: "Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, турар жойларда ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Ҳеч қандай шубҳа йўққи, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасинлар, юртимиздаги тинчликка, осойишталикка рахна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди. Одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва гуруҳлардан Ватанимизни асрай оламиз".

Талабалар уйида, шунингдек, Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ходимлари иштирокида ҳам суҳбатлар ўтказилди.

Кун якунида талабалар волейбол, баскетбол, армрестлинг, мини-футбол, гандбол, стол тенниси ва шахмат каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

**М.ИБРОҲИМОВА,**
**ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи**

# УСТОЗЛАР ЎГИТИНИ ОЛИШГАН

***Урганч шаҳар телефон станциясига қарашли 5-АТС имкониятларидан деярли юз фоиз фойдаланилмоқда. Беш минг нуқтага мўлжалланган ушбу АТСга 4980 нафар мижоз уланган бўлиб, уларга намунали хизмат кўрсатишда электромонтёр ва кабел уловчиларнинг маҳоратлари қўл келмоқда. Шундай тажрибали электромонтёрлардан бири Замира Бобожоновадир.***

**23 йилдан** буён 5-АТСда самарали хизмат қилиб келаётган Замира Бобожонова эски турдаги декада-қадамли ва координатали станциялар носозлигини тез ва сифатли бартараф этар, узилган симларни бир-бирига моҳирона улар эди. Бугунги кунда эса у рақамли станцияни созловчи моҳир уста сифатида ҳамкасблари орасида эътибор қозонган.

Айни дамда кексалик гаштини сураётган устози Надежда Аитбоевани чуқур ҳурмат билан эсларкан, Замира опа ундан кўп нарсаларни ўрганганини таъкидлайди. Устози носозлик пайдо бўлган заҳоти зудлик билан таъмирлашни яхши кўрарди ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. Вақт ҳаш-паш дегунча ўтиб кетаркан. Мана, ўзи ҳам устоз даражасига етди ва бир ярим йилдан буён шогирди Шоира Нуруллаевага ўз касб сирларини ўргатмоқда.

— Замира билан опа-сингилдай бўлиб қолганмиз, — дейди ҳамкасбларидан бири, электромонтёр Муяссар Маҳмудова. — 1973 йилда ўрнатилган ДШ-54 декада-қадамли станцияда тез-тез носозликлар рўй бериб, гоҳ тўхтаб қолар ёки секин ишларди. Баъзида қизиб кетганидан станциянинг сақловчи кичик қисмлари жойидан отилиб кетарди. Уларни жойига ўрнатиш қийин ва нозик иш. Ҳамкасбим билан бирга қийин-чиликларни баҳам кўрганмиз. 1999 йилда янги рақамли станция ўрнатилгач, янгиликларни бир-биримизга ўргатдик.

Аҳил жамоада, шунингдек, линия электромонтёрлари — Анвар Каримов, Пўлат Абдуллаев, Одилбек Юсупов, кабел уловчилар — Аҳмаджон Раҳимов, Ҳабибулла Ражабов каби ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. Улар КРОС ходимларининг топшириғи бўйича носозликларни дарҳол тузатишмоқда. Махсус асбоблар ёрдамида кабелларнинг узилган жойлари аниқланади. Линиядаги носозликда эса ҳар юз метр, яъни икки устун оралиғи текшириб кўрилади. Йигитлар симларнинг узилган жойини тезда аниқлашнинг йўлини билиб олишган. Бир сўз билан айтганда, 5-АТС ишчи-хизматчилари бирбирларига елкадош бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишган.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ**
**Хоразм вилояти**



**Суратда: Урганч шаҳридаги 5-АТС КРОС электромонтёрлари Замира БОБОЖОНОВА, Муяссар МАҲМУДОВА ва Шоира НУРУЛЛАЕВАлар.**

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги "Частота спектридан фойдаланиш, теледастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан вилоят Электромагнит мослашув хизмати билан ҳамкорликда 2003 йил давомида 17 маротаба режали рейдлар ўтказилиб, 39та ноқонуний равишда ишлатилаётган радиоэлектрон воситалар борлиги аниқланди.**

**Ушбу** рейдлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 11та радиотелефон эгалари билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Уларга радиотелефонни

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

ишлатишга ҳужжатлар топширилди ҳамда вилоят ЭММХ томонидан махсус рухсатномалар берилди. Рухсат этилмаган частотада ишлатгани учун эса еттита радиотелефон эгасининг иши Иштихон туман судига оширилди ва суднинг қарори билан уларнинг барчасига Ўзбекистон Республикасида жорий этилган энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараварига қадар жарима солинди. Барча жарималар ундирилиб, радиотелефонлар давлат ихтиёрига мусодара қилинди.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан тўққизта радиотелефон эгаларидан Ўзбекистон Республикасида жорий этилган энг кам иш ҳақининг икки баравари микдорида жарима ундирилиб, улардан олиб қўйилган радиотелефонлар вилоят ЭММХнинг махсус рухсатномалари олинганидан сўнгтина ўз эгаларига қайтариб берилди. Шу билан бирга, рухсат этилмаган частотада ишлатгани учун яна иккита радиотелефон эгасининг иши Самарқанд шаҳар судига оширилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Самарқанд туманида махсус рухсатномаларсиз сўзлашув шахобчалари сифатида хизмат кўрсатаётган ўнта "ARTS" русумидаги радиотелефонлар фаолияти унинг эгалари томонидан лицензия олингунга қадар тўхтатиб қўйилди.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси Самарқанд вилояти ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъи назар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат кўрсатувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида сифат ва самарадорликни ошириш, ноқонуний равишда ишлатилаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни аниқлаш, улар ишини доимий назоратга олиш бўйича бундан буён ҳам зарур чораларни кўради. Ноқонуний фаолият ва хизматлар кўрсатаётган шахслар, улар хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, Ўзбекистон Республикаси қонунларига бўйсуниши барча учун баробар эканлигини унутмасликлари лозим.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**
**Самарқанд вилояти ДАИ бошлиғи**

# ҲАМ ТЕЛЕФОНДА, ҲАМ ИНТЕРНЕТДА



**Тошкентдаги** "ЮНИТЕХ" Ўзбекистон – Британия қўшма корхонаси мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникациялар тармоғини юксак замонавий талаблар даражасига кўтаришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Корхона аҳолига телефон ва Интернет карточкалари орқали хизмат кўрсатаётган кўплаб компаниялар сингари мижозлар учун битта карточкадан ҳам телефонда, ҳам Интернетда фойдаланиш имконини яратган. Бу борада яқинда яна бир қулайлик яратилди – эндиликда мижозлар хизмат учун 40 фоизгача чегирма нархдан фойдаланадилар.

Ҳозирда мазкур қўшма корхонанинг 200дан ортиқ савдо шахобчалари республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Яқин вақт ичида уларнинг сони яна икки бараварга кўпаяди.

**Ўз мухбиримиз**

# ОАО "KOINOT" СООБЩАЕТ:

**Об** изменених и дополнениях, вносимых в текст проспекта эмиссии акций **ОАО "KOINOT"**, зарегистрированном Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № Р0499 от 20 августа 2002 года.

**Текст вносимых изменений и дополнений в проспект эмиссии акций ОАО "KOINOT" № Р0499-2 от 19 сентября 2003 года.**

| Старая редакция | Новая редакция |
|---|---|
| 1. Пункт 2.1. | 1. Пункт 2.1. |
| а) Уставный фонд : 761 625.0 тыс.сум | а) Уставный фонд : 265 130.0 тыс.сум |
| б) Количество акций : 152 325 штук | б) Количество акций : 53 026 штук |
| 2.2. Простые именные акции, держаталем которых является Госкомимущество:<br>а) доля акций – 25 %<br>б) сумма акций – 190 405,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 38 081 штука | 2.2. Простые именные безналичные акции, держатaлем которых является Госкомимущество:<br>а) доля акций – 25 %<br>б) сумма акций – 66 280,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 13 256 штук |
| 2.3. Именные акции, выделенные в долю трудового коллектива:<br>а) доля акций – 0,5 %<br>б) сумма акций – 3 810,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 762 штуки | 2.3. Именные привилегированные безналичные акции, выделенные в долю трудового коллектива :<br>а) доля акций – 0,57 %<br>б) сумма акций – 1 525,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 305 штук |
| 2.4. Простые именные акции, подлежащие реализации на свободной продаже:<br>а) доля акций – 74,5 %<br>б) сумма акций – 567 410,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 113 482 штуки | 2.4. Простые именные безналичные акции, подлежащие реализации на свободной продаже:<br>а) доля акций – 74,43 %<br>б) сумма акций – 197 325,0 тыс.сум<br>в) количество акций – 39 465 штук |
| 2.7.1. Начало реализации и размещения акций:<br>в течение одного года. | 2.7.1. Начало реализации и размещения акций:<br>в течение одного года со дня регистрации Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг изменений и дополнений, внесенных в текст проспекта эмиссии акций. |
| 2.7.2. Срок завершения реализации и размещения акций:<br>в течение одного года. | 2.7.2. Срок завершения реализации и размещения акций:<br>в течение одного года со дня регистрации Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг изменений и дополнений, внесенных в текст проспекта эмиссии акций. |

## Сообщения о существенном факте ОАО "KOINOT"

**Порядковый номер сообщения - 09.**

***Внеочередное общее собрание акционеров;***
форма проведения общего собрания - *очная;*
дата проведения общего собрания - *10.06.2003*г.;
место проведения общего собрания – *г.Ташкент, ул.С.Азимова,72а;*
кворум общего собрания – *99,7%;*
вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним;

1. Работу, проводимую в ОАО "Коинот" по исполнению постановления №336 Кабинета Министров Республики Узбекистан по реализации утвержденной программы развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на 2002-2010 годы, увеличения объемов выпуска наукоемкой продукции, считать удовлетворительной.

2. Уменьшить Уставный фонд ОАО "Коинот" до 265130,0 тыс.сум, утвердить уставный фонд согласно приказу ГКИ от 6 июня 2003 года за №76к-ПО и процентные соотношения долей в ОАО "Коинот", определив их в следующем соотношении:
Государственная доля – 25% - 66 280,0 тыс.сум
Доля трудового коллектива – 0,57% - 1 525,0 тыс.сум
Доля свободной продажи – 74,43% - 197 325,0 тыс.сум
Поручить Генеральному директору ОАО "Коинот" С.С.Фахрутдинову :
- после получения положительного решения хозяйственного суда решить вопрос с ГКИ РУз о включении здания столовой в Уставный фонд ОАО "Коинот".

3. В Устав ОАО "Коинот" включить дополнительные виды деятельности:
- разработка, внедрение и реализация информационно-компьютерных технологий, программного обеспечения.

4. Внести изменения в Устав ОАО "Коинот" или оформить его в новой редакции с учетом внесенных изменений, принятых на предыдущих собраниях акционеров ОАО "Коинот".

5. Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 185 от 17.04.2003г. "О программе разгосударствления и приватизации предприятий на 2003-2004 годы" и № 189 от 19.04.2003г. "О мерах по совершенствованию корпоративного управления приватизированными предприятиями" принять к руководству и исполнению.

Итоги голосования:
За – 100%
Против – 0%
Воздержались – 0%.

**Порядковый номер сообщения - 10**

*Наблюдательный совет ОАО "Коинот"*
Бывший член Наблюдательного совета - Мансуров М.М.
Избран членом Наблюдательного совета - Урманчеев Ш.В.;
*уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений, и дата его принятия или иные обстоятельства, повлекшие указанные изменения* - Протокол общего собрания акционеров от 14.03.2003г. № 4.

**Порядковый номер сообщения - 16.**

*Орган эмитента, принявший решение, и дата принятия решения по изменению прав на ценные бумаги эмитента* – Протокол № 5 от 19.06.2003г. внеочередного общего собрания акционеров;
*описание вида изменений* – доля трудового коллектива в размере 0,57% - 305 штук простых именных безналичных акций конвертирована в привилегированные именные безналичные акции.

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

***Влияние электронной коммерции неуклонно возрастает. Аналитики из Jupiter Research прогнозируют, что этот тренд продолжится. Все больше сделок будет осуществляться в онлайне, и к 2008 году их доля в общем объеме торговли достигнет 5%. В целом этот процент невелик, но в некоторых секторах рынка доля онлайновых продаж будет весьма значительной. Например, онлайновые продажи программного обеспечения и компьютерного оборудования в IV кв. 2003 г. принесли Интернет-магазинам $4,2 млрд, что составляет почти четверть всех покупок в интернете. В ближайшие пять лет аналитики Jupiter Research ожидают максимальный рост онлайновых продаж товаров для дома, бытовых товаров и продуктов для гигиены.***



# РАЗВИТИЕ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВЛИ

**Меньше всего** покупают жители южных стран — Греции, Испании, Италии, Португалии. В последнее время различными аналитическими компаниями опубликовано сразу несколько отчетов относительно ситуации на европейском рынке электронной коммерции. По информации, опубликованной в последнем отчете Европейской группы по исследованию общественного мнения, в различных странах Евросоюза сложилась абсолютно различная ситуация относительно электронной торговли. Как ни странно, но в этом отношении Европа разделилась по географическому принципу.

Чаще всего делают покупки в интернет-магазинах жители северных стран: Швеции (37%) Дании (36%) и Голландии (31%). А вот в южных странах жители гораздо реже посещают виртуальные супермаркеты. В своей жизни делали покупки всего лишь 3% жителей Греции, 4% жителей Португалии и 7% жителей Италии.

В других странах Евросоюза количество пользователей интернет-магазинов составляет следующее количество:

Люксембург — 26%, Великобритания — 25%, Финляндия — 23%, Германия — 18%, Ирландия — 17%, Австрия — 17%, Франция — 12%, Бельгия — 12%, Испания — 9% .

Наибольшее беспокойство у интернетчиков в процессе онлайновых покупок вызывает проблема безопасности платежей, которая беспокоит 48% пользователей Интернета. В числе других проблем пользователи называли трудности с возвратом денег в случае неудовлетворенности товаром (38%), проблемы с доставкой: повреждение товара, задержки и т.д. (36%), достоверность информации в Интернете (27%), уважение к правам потребителя (23%) и анонимность продавцов (16%). Как сообщает служба Eurobarometer, всего лишь 23% пользователей Интернета не испытывают никаких тревог по поводу покупок в Интернет -магазинах.

И, наконец, еще одно исследование европейского рынка электронной коммерции опубликовала служба eMarketer. В объемном аналитическом отчете под названием "Европа в онлайне: доступ, демография и использование" сообщается, что в 2003 году на четырех крупнейших европейских рынках (Франция, Италия, Германия и Великобритания) проникновение Интернета разнилось от 40,4% в Италии до 50,6% в Великобритании. Однако к 2007 году проникновение Интернета во всех этих странах практически сравняется и составит 62—67%. Наибольший прирост будет зафиксирован во Франции и Италии.

Таким образом Интернет постепенно становится важной и неотъемлемой частью всей системы торговли. К 2008 году примерно 30% всех покупок будут осуществляться после предварительного изучения товара в Интернете.

Для обеспечения эффективности осуществления электронных платежей необходимо развитие не только технической инфраструктуры, но и законодательной базы.

Рабочая группа по электронной коммерции (Working Group on Electronic Commerce) Комиссии ООН по международному коммерческому праву (UNCITRAL) разработала проект Конвенции об электронной торговле (E-Commerce Convention). Проект Конвенции будет рассмотрен на ближайшей сессии UNCITRAL, которая пройдет с 14 июня по 2 июля 2004 года. По мнению главы Рабочей группы Джефри Чана, Конвенция придаст импульс развитию электронной коммерции и международной торговле. Все больше международных сделок осуществляются в электронном виде. Проблема в том, что в каждой стране установлены свои требования к оформлению таких сделок. Цель Конвенции - гармонизировать национальное законодательство, относящееся к электронной коммерции.

Участвующий в разработке Конвенции Йонас Аструп напомнил, что представляемая им Международная коммерческая палата (ICC) собирается представить летом этого года аналогичный документ, призванный гармонизировать область электронной коммерции - E-Terms 2004. Аструп отметил, что оба документа разрабатываются с одной и той же целью и эффективно дополняют друг друга.

Заместитель председателя Российского комитета Программы ЮНЕСКО «Информация для всех» - Алексей Демидов напомнил, что документы, принятые организациями, входящими в структуру ООН, редко предназначены для непосредственного применения в юридической практике. В то же время, именно они часто являются базисом для развития международного права и национального законодательства.

Например, большинство арбитражных судов во всем мире рассматривают дела, руководствуясь Арбитражным регламентом UNCITRAL. Также, как и Арбитражный регламент, Конвенция не может дать ответы на все возможные вопросы. Однако именно она определит единые принципы электронной торговли, которым будут следовать и в России, и в США, и в Зимбабве.

**По материалам Интернет**

## МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

### ОБЪЕДИНИЛИСЬ ДЛЯ РАЗВИТИЯ 4G

**Япония, Китай и Корея** согласились совместно развивать коммуникации и другие технологии для мобильных телефонов четвертого поколения, которые, как ожидается, войдут в коммерческое использование к 2010 году.

### КТО ПОЛУЧИТ ЛИЦЕНЗИЮ?

**11 претендентов**, среди которых такие компании, как Vodafone, Deutsche Telekom, Telefonica и Telecom Italia, были названы в числе кандидатов на получение второй лицезии на право предоставления услуг мобильной связи в Саудовской Аравии. Все претенденты должны представить в национальную Комиссию по связи и информационным технологиям свои предложения. Рассмотрение заявок состоится в конце июня - начале июля, выдача лицензии будет закончена летом 2004 года, сообщает газета Arab News. Зарубежные компании могут владеть от 15% до 49% уставного капитала нового GSM-оператора и при этом выбрать в качестве партнеров по меньшей мере 5 саудовских компаний.

### ПЕРСПЕКТИВЫ ОПТИМИСТИЧНЫ

**Согласно** результатам исследования, проведенного ARC Group, участники рынка беспроводной связи настроены весьма оптимистично в отношении перспектив на нынешний год. В частности, 85% специалистов, принявших участие в ежегодном опросе по заказу Ассоциации 3GSM, считают, что прибыли их компании возрастут, при этом 16% из них убеждены, что они вырастут более чем на 20%. Операторы мобильной связи также полагают, что этот год будет благоприятным для них. Из 157 операторов 74% рассчитывают на увеличение своих капитальных затрат в этом году.

### БОЛЕЕ 42 МЛН. АБОНЕНТОВ

Наступление весны принесло оживление на российский рынок сотовой связи — в марте число новых абонентов в стране выросло по сравнению с февралем на 24%, а по сравнению с мартом 2003 года - на 114%. В течение марта 2004 года российские операторы мобильной связи подключили в общей сложности 2,38 млн. новых абонентов и уровень проникновения мобильной связи в стране вырос до отметки 29,1%. Общая численность абонентов превышает теперь 42,26 млн. человек. Такие данные приводятся в ежемесячном отчете компании AC&M-Consulting.


## УЗБЕКСКОЕ АГЕНТСТВО СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБЪЯВЛЯЕТ

**Конкурс** на проведение мониторинга действующих нормативных документов сферы связи и информатизации в 2004 году.

К участию в конкурсе приглашаются юридические лица, представившие заявку на весь перечень документов, подлежащих мониторингу, имеющие научный и профессиональный потенциал, опыт, наличие необходимых трудовых ресурсов и материально-технической базы.

Срок подачи заявок на участие с **15.04 по 21.04.2004г.**

Определение победителя конкурса будет осуществляться Конкурсной комиссией **23.04.2004г.**

Заявки, поступившие после **21.04.2004г.**, рассматриваться Конкурсной комиссией не будут.

Ознакомление с перечнем документов, подлежащих мониторингу, и прием заявок на участие в конкурсе с прилагаемыми документами осуществляются по адресу:

***700011, г.Ташкент, ул. А.Навои, 28-а, ком.114. Телефоны: 138-41-14, 138-41-69. Факс: 139-87-82.***



## ОБЪЯВЛЕНИЕ

**Совместная** страховая компания **ЗАО "ALFA INVEST"** извещает о проведении очередного общего собрания акционеров 20 марта 2004 года в 11.00 часов по адресу: г. Ташкент, ул. Буюк Турон, 41.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

*1. Утверждение уточненных параметров бизнес-плана ЗАО на 2004 год.*

*2. Утверждение аудиторской организации для проведения аудиторской проверки деятельности ЗАО за 2003 год, а также предельного размера оплаты ее услуг.*

*3. Утверждение годовых отчетов, бухгалтерских балансов, финансовых результатов, счета прибылей и убытков ЗАО за 2003 год.*

*4. Утверждение распределения прибылей и убытков ЗАО по итогам 2003 года.*

*4. Определение размера вознаграждения членам Наблюдательного Совета.*

**Наблюдательный совет ЗАО "ALFA INVEST"**

SOHA ATAMALARI

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ*

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)**

**Д**

**давление звука** — товуш босими
**дальняя связь** — узоқ масофали алоқа
**данные** — маълумотлар
**датчик** — датчик, қайд қилгич
~ **давления** — босим датчиги
~ **декадных импульсов** — ўнлилик импулслар датчиги
~ **импульсов счетчика** — ҳисоблагич импулслар датчиги
~ **перемещения** — силжиш датчиги
~ **тока** — ток датчиги
~ **уровня** — сатҳ датчиги
~ **холла** — холл датчиги
**двигатель реверсивный** — реверсив двигател (юритгич)
**двоичный (-ая, -ое)** — иккилик
~ **кодирование** — иккилик кодлаш
~ **система** — иккилик тизими
~ **система счисления** — иккилик саноқ тизими
~ **сигнал** — иккилик сигнали
**двухполюсник** — икки қутбли (икки қутблилик)
**двухполюсное телеграфирование** — икки қутбли телеграфлаш
**двухполюсный рубильник** — икки қутбли бириктиргич-ажратгич
**двухпроводная линия** — икки симли линия
**двухфазный ток** — икки фазали ток
**двухчастотная сигнализация** — икки частотали сигнализация
**двухэлектродная** — икки электродли лампа
**двусторонная связь** — икки томонлама алоқа
**девиометр** — девиометр (оғишни ўлчаш асбоби)
**девиация** — девиация, оғиш, четга чиқиш
**девиация частоты** — частота девиацияси
**действительная величина** — ҳақиқий катталик, ҳақиқий қиймат
**действительное значение измеряемой величины** — ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати
**действующее значение** — амалдаги қиймат
**декадно-шаговый искатель** — декада-қадамли излагич
**декадный** — декада, ўнлилик
~ **код** — декада коди
~ **магазин ёмкостей** — декада сиғимлар магазини
~ **магазин проводимостей** — декада ўтказувчанликлар магазини
~ **магазин сопротивлений** — декада қаршиликлар магазини
**декатрон** — декатрон
**деклинатор** — деклинатор (бир кеча-кундузда магнит оғиши ўзгаришини назорат этувчи асбоб)
**декодер** — декодер
**декремент затухания** — сўниш декременти
**делитель** — тақсимлагич, бўлгич
~ **мощности** — қувват тақсимлагичи
~ **напряжения** — кучланиш тақсимлагичи
~ **частоты** — частота тақсимлагичи
**демодулятор** — демодулятор
**демодуляция** — демодуляция
~ **по времени** — вақт бўйича демодуляция
~ **фазовая** — фазавий демодуляция
~ **частотная** — частотавий демодуляция
**демпфер** — демпфер, сўндиргич
**демпферирование колебаний** — тебранишларни мажбурий сўндириш
**деполяризатор** — деполяризатор, қутбсизлантиргич
**деполяризация** — қутбсизланиш
**демультиплексор** — демултиплексор

**(Давоми бор.)**

*** Луғат ФТМТМда тайёрланган.**

SPORT, SPORT, SPORT

AFINA – 2004

## ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА



**Мазкур ҳафтада** Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида стол тенниси бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда иштирок этган 40та давлат вакиллари ягона – битта йўлланма учун кураш олиб боришди. Ушбу бахтли йўлланма вакилимиз Саида Бурҳонхўжаевага насиб қилди. Саида энди Афина Олимпиадасида стол тенниси бўйича биринчи бор мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

SHOHMOT

## ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

**Теҳронда** 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида навбатдаги қитъа тождорлиги учун кечган баҳсда ҳамюртимиз Антон Филлипов яна пешқадамликни қўлга киритди. Осиё чемпиони аввалги мусобақаларда ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган эди.

PROFI-BOKS

## НАВБАТДАГИ УРИНИШДА ОЛТИН КАМАР



**Ҳамюртимиз** Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзининг навбатдаги жангида америкалик боксчи Жесси Фелисианога қарши рингга кўтарилиб, беллашувнинг 8-раундида рақибини техник нокаут билан мағлубиятга учратди. Ғалабага эришган Муҳаммадқодир WBO йўналиши бўйича биринчи ярим ўрта вазндаги қитъалараро жаҳон чемпионлиги унвонини қўлга киритди ҳамда олтин камар эгасига айланди.

Айни пайтга қадар боксчимизнинг профессионал боксдаги кўрсаткичлари 14 ғалаба ва 1 мағлубиятдан иборат.

## ҲАФТАНИНГ ШОВ-ШУВЛИ НАТИЖАСИ



**Ўтган ҳафтада** WBO йўналиши бўйича оғир вазнлилар ўртасида жаҳон чемпиони унвони учун кечган украиналик Владимир Кличко ва америкалик Лаймон Брюстер жанги кўпчилик учун кутилмаган натижа билан якунланди. Бешинчи раундгача устунликни қўлида ушлаб турган кичик Кличко рақибининг тўсатдан берилган зарбасига дош бера олмади ва техник нокаутга учради.

Ушбу ҳолат бўйича турли мунозаралар юзага келган. Жангдан сўнг касалхонага тушган Кличко қонида қанд моддаси тўрт бараварга ошиб кетганлиги аниқланган. Бунга кўпчилик ишонмаяпти, чунки боксчилар доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Лекин бундай вазият аввал ҳам учраган. Владимир Кличконинг ўзи ушбу ҳолат юзасидан бирор аниқ фикр билдиргани йўқ, фақат реванш жанг ўтказиш ниятида эканлигини айтмоқда. Лаймон Брюстернинг промоутери Дон Кинг эса амалдаги чемпионга ўзи рақиб танлашини маълум қилган.

24 апрел куни катта Кличко Корри Сандерсга қарши рингга чиқади. Агар ушбу жангда Виталий мағлубиятга учраса, ака-уканинг обрўсига бутунлай путур етиши турган гап.

TEST

# СИЗ ХУДБИНМИСИЗ?



***Одамлар** асосан ўз манфаатлари билан яшайди. Инсоннинг ўз манфаатларига жуда ҳам берилиши, ўзига юқори баҳо бериб, бошқаларни ўйламаслигини худбинлик деб атаймиз. Худбинлик ҳар хил бўлади. Чунки одам хоҳлайдими-йўқми, барибир ўзининг манфаатларини ҳал қилиши керак. Худбинлик сизда "қай даражада тараққий этгани"ни қуйидаги тест саволлари орқали билиб олишингиз мумкин. Ҳар бир саволнинг тагида сизнинг жавобингизга мос ҳолда баллар берилган. Шу баллар асосида фақат тўғри жавоб бериш орқали ўзингиздаги бу хусусият ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишингиз мумкин.*

**1. Дунёда ҳамма нарса ўзининг баҳосига эга деб ўйлайсизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 3 балл.

**2. Сиз ёқтирган ранг борми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 1 балл.

**3. Сизни davraларда ёқтирадиларми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 4 балл.

**4. Ўз устингиздан кула оласизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 2 балл.

**5. Мунозараларда, тортишувларда жавоб топа оласизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 2 балл.

**6. Кўп гапиришни ёқтирасизми?**
Ҳа — 2 балл, йўқ — 1 балл.

**7. Атрофдагилардан ўзингизнинг кўнгилсизлигингизни яшира оласизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 3 балл.

**8. Олган қарзларингизни ёзиб юрасизми?**
Ҳа — 2 балл, йўқ — 1 балл.

**9. Сиз омонат кассанинг дафтарчаси керак деб ўйлайсизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 3 балл.

**10. Одамларни тушунаман деб ўйлайсизми?**
Ҳа — 1 балл, йўқ — 3 балл.

### НАТИЖА

**21 баллдан ортиқ.**

Худбинлигингизни яширмасангиз ҳам бўлади. Сизнинг ҳаётий шиорингиз: "Биринчи навбатда ўзим, кейин қолган ҳамма". Ўртоқларингиз йўқлигига ҳам ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ.

**17 баллдан 20 баллгача.**

Бошқалар ҳақида ҳам жон куйдирсангиз, кўп ўртоқларингиз бўлиши мумкин эди. Сиз худбин эмассиз, лекин сизда шароитга мослашиш етишмайди.

**10 баллдан 16 баллгача.**

Бу шуни кўрсатдики, сиз ҳар доим ёрдамга кела оласиз ва соғлом эгоизмни кераклигича сақлай оласиз. Бу сизни ташқаридан бўладиган ўзгаришлардан сақлайди.

**10 баллдан кам балл.**

Жуда ҳам бир хил мувозанатли бўлмаган характер. Баъзан жуда ҳам ашаддий эгоист бўлиб кетасиз, айрим вақтларда оққўнгиллигингиз билан атрофдагиларни ҳайратга соласиз. Сиз ўз хулқингизни идора қилишни ўрганинг.

**MASHHURLAR HAYOTI**

***Замондошлари томонидан "Асрнинг энг машҳур аёли" дея эъзозланган Мэрилин Монро ҳақида юзлаб китоблар чоп этилган. Монро санъаткор сифатида ўзини тўла намоён этишга улгурмаган бўлсада, дастлабки қадамлариданоқ мухлислар таҳсинига сазовор бўлганди. Истеъдодли санъаткор ноёб ҳусн-латофат соҳибаси эди. Унга жуда кўп эркаклар, жумладан, машҳур кишилар ҳам ошиқ бўлишган. Монро ўлимидан сўнг ёзилган китобларда муаллифлар асосий эътиборни унинг ака-ука Кеннедилар, Артур Миллер, Ив Монтан сингари таниқли сиймолар билан хушторлик муносабатларига қаратгандилар. Фақат инглиз тадқиқотчиси Доналд Волфнинг китоби бундан мустаснодир. Волфнинг асосий мақсади Мэрилин Монро ўз жонига қасд қилганми ёхуд атайин ўлдирилганми, деган саволга жавоб топиш эди.***

***Охир-оқибат муаллиф Монро ўлдирилган деган хулосага келган. Қуйида ўша китобдан айрим маълумотларни келтирамиз.***

# СИРЛИ ЎЛИМНИНГ ЖУМБОҒИ...



**Норма Жин (Мэрилин Монро)** 1926 йилнинг 1 июнида таваллуд топган. Онаси Гэдис Монро Грейнмер Ҳолливуд кинолабораториясида хизмат қилган. Отаси Гиффорд ҳам шу лабораторияда ишлаган. Улар турмуш қуришмаган.

**Норманинг болалик йиллари жуда машаққатли кечди. У аввалига руҳий касал бувисиникида, сўнг эса қўшнисиникида яшади. Шу орада унинг онаси Жаспер Бейкер исмли бир эркак билан турмуш қуради. Ўгай отанинг Нормага муносабати яхши эмас эди. Шу сабаб уни Лос-Анжелесдаги етимхонага топширишади.**

Бўлажак актриса етимхонада икки йил яшайди. У 16 ёшида самолётсозлик заводида ишловчи Жим Догерти исмли йигитга турмушга чиқади. 1943 йилда эри кўнгилли сифатида ҳарбий денгиз флотига ишга ўтгани сабабли уларнинг муносабатлари барҳам топади. 1945 йилнинг ёзидан Норма Жин фотомоделчи бўлиб ишлай бошлайди. Бунинг учун у ойига 10 доллардан ҳақ оларди. 1946 йилдан бошлаб кино оламига қадам қўйган малласоч Норма Жин Мэрилин Монро номини олди. "Жазда фақат қизлар" филмидаги муваффақиятидан сўнг шу исм билан бутун дунёга танилди. Президент Жон Кеннеди таваллуд кунига бағишланиб ўтказилган катта концертда куйлаган "Happy Birthday, Mister President" қўшиғи эса уни янада машҳур қилиб юборди.

**"Ҳолливуд тимсоли, дилбар Мэрилин Монро якшанба куни фожиали тарзда ҳаётдан кўз юмди. У эндигина 36 баҳорни қаршилаган эди.** Унинг жонсиз танасини ётоқхонасидан топишган. Эҳтимол ўз жонига қасд қилгандир? У телефон гўшагини ушлаган ҳолда жон берган. Ўриндиқдан эса уйқу дориси солинган бўш шишача топилган". Assosiated Press ахборот агентлигининг 1962 йил, 5 августда Мэрилин Монро вафоти ҳақида тарқатган дастлабки хабари мазмуни мана шундай эди.

Волф ўз текширувини Монронинг 36 йиллик ҳаёти давомида юз берган воқеалар асосида олиб борди. У содир бўлган ҳалокатнинг ҳаққонийлигини билиш мақсадида барча гувоҳлар билан суҳбатлашди. Монро ҳақида ўзигача ёзилган ҳамма китобларни синчиклаб мутолаа қилди, ҳатто федерал текширув бюроси ва марказий разведка бошқармаси ихтиёридаги фойдаланиш мумкин бўлган далилларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Муаллиф ўз ҳикоясини қуйидагича бошлайди: "1962 йилнинг 5 августга ўтар кечаси, Брентвуддаги (Лос-Анжелеснинг киборлар яшайдиган қисми) Елена кўчасида жойлашган 12305-уйда хизматкор бўлиб ишловчи Юнис Меррей хоним тахминан қоқ ярим тунда уйғониб, ҳожатхонага йўл олади. У уй соҳибаси Мэрилин Монро ётоқхонаси ёнидан ўтаётиб, ётоқхона эшиги тагида чироқ нурини кўриб қолади. Унинг хаёлига чироқ ўчирилмай қолипти, деган фикр келади ва эшикни оҳиста тақиллатади. Бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Эшик ичкаридан қулфланган эди. Бундан ташвиш тортган хизматкор дарҳол Монронинг шахсий шифокори — психолог Гринсонга телефон қилади. Врач уларга яқин жойда яшарди. Шу боис у ярим соат ўтар-ўтмас Монро уйига етиб келади. У ҳам ётоқхона эшигини тақиллатиб кўради. Жавоб ололмагач, ҳовлига чиқиб, ётоқхона деразасидан мўралайди. Мэрилин ўрнида қимир этмай ётар эди. Бундан хавотирланган Гринсон дераза ойнасини синдириб, ичкарига ошиб тушади. Сўнг эшикни очади. У ётоқхонага кирган аёлга "Биз ундан жудо бўлибмиз", дейди. Кейин Гринсон Монронинг шахсий жарроҳи Энгелбергга қўнғироқ қилиб, ундан тезда етиб келишини сўрайди. Бу шифокор ҳам бирпасда келади. Шифокорлар бир неча соатни ўзаро суҳбатда ўтказадилар. Суҳбат орасида хизматкорни чақириб, синган ойна ўрнига янгисини қўйишни буюришади. Улар юз берган фалокат ҳақида полицияга эрталаб тўрт яримдагина қўнғироқ қилишади.



**Монронинг уйига биринчи келган полициячи Жек Клеммонс эди. Мана шу сержант Мэрилин Монро ўлимига дахлдор қатор жумбоқ ва ноаниқликлар мавжудлигига биринчи бор эътиборни жалб қилган.** Булар унга гувоҳлар билан суҳбатлашиш ва ўлим содир бўлган жой билан танишиш пайтида маълум бўлган. Кундузи сержантнинг хизмат муддати тугаб, унинг ўрнига бошқа полициячи келган. Бу вақтда Монронинг уйи оммавий ахборот воситалари ходимлари куршовида қолганди.

**Мэрилин Монро ўлими қай тарзда содир бўлганини Ж.Клеммонсдан кейин полициячилар, врачлар, журналистлар ва ҳатто оддий ишқибозлар ҳам текширганлар. Бу текширувлар туфайли жумбоқлар кўпайса-кўпайганки, асло камайган эмас.** Улардан айримларини келтириб ўтсак: Юнис Меррей ётоқхона эшиги тагида чироқ нурини кўриши мумкин эмасди. Монро ҳалокатдан бир неча кун аввал ётоқхона полига тўшалган қалин гилам эшик тагини буткул ёпиб турарди. Меррей 1975 йилда нашр қилдирган китобида: "Балиқ буржида туғилганим учун телепатик қобилиятга эгаман, шу боис мен нурни кўрмаган бўлсамда, хонада чироқ ёниқ турганини сезганман", деб ёзганди. Аммо уй режасидан шу нарса аниқ маълумки, Меррей ҳожатхона томонга уй бекасининг ётоқхонаси ёнидан умуман ўта олмас эди. Яна бир ноаниқ ҳодиса: Шифокорлар Мэрилинни қутқариб қолиш учун бирон бир ҳаракат қилишмаган. Уларнинг юз берган ҳалокат ҳақида полицияга қарийб тўрт соатдан кейин маълум қилишгани сабаби эса мавҳумлигича қолган. Шифокорлар биз суҳбатлашганмиз, дейишган, лекин суҳбат мазмунини ошкор қилишдан бош тортганлар.

**Расмий маълумотларда айтилишича, Мэрилин 50 дона уйқу дорисини ютган. Аммо шунча таблеткани сувсиз ютиш амалда мумкин эмас. Ҳалокат содир бўлган жойдан сув ичадиган идиш топилмаган. Ваннахонада ҳам сув йўқ эди. Уйда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли сув беркитиб қўйилганди.**

Мэрилиннинг ўлими олдидан телефонда ким билан гаплашгани ҳам номаълум бўлган. Телефон станцияси томонидан ёзиб олинган суҳбат матнлари мусодара қилинган. Бу ишни мансабдор шахслар бажаришган экан.

Жасаднинг кўриниши ҳам шубҳа уйғотар эди. Монро юзи ўриндиққа туташ ҳолатда ётар, оёқлари узатилган ва ёнма-ён қўйилганди. Қўллари ҳам икки ёнбошига ёпишиб турарди. Одатда, кўп ичилган уйқу дориси бошқача манзара пайдо қилади. Бутун гавда дори таъсирида чангак бўлиб қолади. Шифокорлар гавда ҳолатини ўзгартирган эмасмиз, дейишган. Бундан ташқари, кўп миқдордаги уйқу дориси одамни қустиради. Монрода эса бундай ҳолат кузатилмаган.

Текширув чоғида ҳам кўпгина ажабтовур ишлар содир бўлган. Токсикология лабораториясида Монро меъдасидан олинган суюқлик йўқолган. Айрим гувоҳлар кўрсатма бериш учун умуман чақирилмаган. Гувоҳлик кўрсатмалари ёзилган бир қанча варақлар гумдон қилинган. Энг муҳим ашёвий далил — Монро кундалиги ҳам изсиз кетган. "Ўлим китоби" деб номланган бу кундалик, айрим манбалардан маълум бўлишича, ҳозир Лос-Анжелес полицияси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг махфий архивида сақланар экан. Кундалик билан танишганларнинг айтишича, унда Монро билан Роберт Кеннеди ўртасида турли мавзуларда бўлиб ўтган суҳбатларга доир ёзувлар сақланган.

Китоб муаллифи Волфнинг фикрича, Мэрилин Монро ўлими шундай содир бўлган: Компютер техникаси ёрдамида ўтказилган янги токсикологик ташхис хулосаси тасдиқлашича, ўлимга олиб келган миқдордаги уйқу дориси Мэрилин танасига вена орқали юборилган, у ҳеч қандай таблетка ютган эмас.

Мэрилин Монро 4 август куни кечқурун телефонда Хосе Боланос билан гаплашаётганида телефон тўсатдан узилиб қолган. Сўнгра ярим соат ўтар-ўтмас, у Питер Лоуфорд билан сўзлашган. Бу унинг ҳаётидаги сўнгги қўнғироғи эди. Сўзлашув чоғида Монро ҳушидан кетган ва телефон гўшаги унинг қўлида қолган. Мана шу икки сўзлашув оралиғидаги ярим соатлик фурсатда унга укол қилишган. Бу пайтда Монро ётоқхонасида Роберт Кеннеди бўлган. Улар жанжаллашиб қолишган. Роберт ундан ниманидир талаб қилган, бунинг эвазига пул ҳам бермоқчи бўлган. Бироқ Мэрилин унинг талабини рад этган. Робертдан дарҳол кетишини, уни буткул унутишини сўраган. Жанжалдан сўнг Р.Кеннеди уйини тарк этган. Мэрилин Монро эса тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатда қолаверган...

**Бу сирли ўлим хусусида Доналд Волф шундай тахминий хулосага келади. Монро ўлимидан ярим соат олдин киноюлдуз уйига АҚШ президенти Жон Кеннедининг укаси Роберт Кеннеди келган. Унга икки эркак ҳамроҳлик қилган. Хавфсизлик хизмати соқчилари бўлган бу кимсалар Р.Кеннедининг қўриқчи соқчилари эди. Мэрилин Монро томирига ўлим дорисини мана шу соқчилар юборишган. Бироқ афсуски, уларнинг номларини Д.Волф ҳам аниқлай олмаган. Бу сирли ўлим ана шундай якун топади.**

**Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади**

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

**"Фарғона почтаси"** акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг почта алоқаси хизмати бўлими бошлиғи **Юсуфжон ХОЛМАТОВ**ни қутлуғ 50 ёши билан қизғин муборакбод этади. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида улкан зафарлар тилайди.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

568-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 6448 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

**Саҳифаловчи:** Ш.КИМСАНБОЕВ.

**Матн терувчи:** Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.